

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 22 апрель, шанба №49 (21.812.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ВА МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН МЕХНАТКАШЛАРНИ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан:

1. Фашизмга қарши фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, партизанлар, яширин иш олиб борган кишилар, уруш даврида Куролли кучларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача ўтган даврда халқ ҳужалигида камиди олий ой ишлаган, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерларида, гетто ва бошқа қамоқларида сақланган балоғатга етмаган совик туғуллар «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Бир йўла берилмаган куйидаги пул мукофотлари белгилансин:

уруш ноғиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек байналмилал жангчилардан бўлган ноғиронларга — энг оз иш ҳақининг уч баравари миқдориди;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдориди;

ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган 1941—1945 йилларда мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларга — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдориди.

3. Мазкур Фармони амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблаглари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Алоқа вазирлиги мукофотлари тулаш тартибини бир ҳафта муддат ичида белгилаб қўйсинлар.

5. «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 апрель.



Андижон вилоятининг барча туманларида чигит экин мавсуми муваффақиятли ўтди. Қўпгина далаalarda эса бир текис ниҳоллар пайдо бўлди. Миришкорлар гўза ниҳолларига дастлабки ишлов беришни бошлаб юборишди. Комсомолобод туманидаги Мирзажон Иминов номидаги ширкатлар уюшмасида ҳам бу ишга астойдил киришилди. Айниқса, Маъруфжон Азимов етакчилигидаги бригада деҳқонлари гўза ниҳолларига сифатли ишлов беришмоқда. Бригада зарпунослари 90 гектар жойга чигит экиб, кузда мўл ҳосил олишни ният қилишган.

Суратда: бригада бошлиғи Маъруфжон Азимов.

Т.ФОФУРОВ олган сурат.

Ғалабанинг 50 йиллиги

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

ТОШКЕНТ

Тошкент вилоят шаҳар ва туманларида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган учрашувлар, йиғилишлар, кечалар ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашлари уюштирилган бундай мулоқотлар бир пиёла чай устидан одамларнинг кунглини кўтаришга хизмат қилибгина қолмай, балки уларга ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий руҳ ҳам бағишлаётди.

Чирчиқ шаҳар партия кенгашида бўлиб ўтган тантанали қабул маросимидан қўзланган мақсад ҳам шулардан иборат эди. У икки муҳим сана — Ғалабанинг 50 йиллиги ва Чирчиқ шаҳри 60 йиллигига бағишланди.

Партия фахрийлари П. Баранникова, Н. Живаева, кўп болали она М. Зиёева, уруш фахрийси Н. Журавель ва Г. Ҳалимовалар бир пиёла чай устидан юртбошимиз ва ҳукуматимиз гахмуриги, партия ташкилотларининг хайрли юмушлари, келажак авлодни тарбиялаш масалалари хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Маросимда уруш партия кенгаши йиғилишларининг ҳар бирига юз сўмдан ёрдам пули тарқатди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши қарори билан уюштирилган Чирчиқ кимёгарлар уйидаги иккинчи учрашув эса «Чин қалбдан» деб аталди. Кечага тўпланган фаоллар — партия, уруш, меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари юртимиз осойишталиги, турли миллат ва элатларнинг бир мақсад йўлида тотув меҳнат қилишига шароит яратиб берилаётгани учун юртбошимиз ва ҳукуматга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қилдилар. Бир неча орден ва медаллар соҳиби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, меҳнат фахрийси Воҳид Қодиров, партия ва уруш фахрийси, Улуғ ватан уруши I ва II даражали ҳамда А. Невский ордени соҳиби Зиёвуддилла Тошматов, уруш фахрийси Леонид Семенов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳафиза Куртаметова ва бошқалар Ғалабага қўшилган улуш, ҳозирги ва эртанги кун муаммолари ечими ҳақида гапирдилар.

Кечага шаҳар санъаткорлари фойз кiritишди. Тантанали кеча сўнгида фаоллар шаҳар меҳнаткашларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Шунингдек, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Мулоқотлар жараёнида партияга янги аъзо бўлганларга партия ҳужжатлари ҳам топшириляётди.

Абдуваби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, республика Фахрийлари ташкилотлари

га топширилди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда Феруз мероси ҳақида монография, «Махфират» Марказий Осий тарихини ўрганиш институти

си ва истиқбол вазифалари билан боғлаб шакллантириш ишмиизнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Марказимиз миллий ва исломий қадриятларни ҳозир-

ИСТИҚЛОЛ ХИЗМАТИДА

билан ҳамкорликда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари нашрга тайёрланди. Марказ томонидан таълим тарбия ишларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Ёшларда касб танлаш маданиятини жаҳон тажриба-

уюшмаси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг биргаликдаги қарорини қорақалпоғистонликлар зўр мамнуният билан қутиб олдилар. Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган учрашувлар Бердах номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети профессор ва уқутувчилари, талабалари иштирокида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида, Ўзбекистон Кишлоқ ҳўжалиги академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида, шунингдек, олий ва урта махсус ўқув юртурларида, илмий тадқиқот институтларида, мактабларда, давлат ва жамоа ҳўжаликларида, завод ва фабрикаларда бўлиб ўтди.

Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Эликкальва, Турткўл, Беруний, Амударё, Хужайли, Нукус, Кунгирот, Чимбой ва бошқа шаҳар ҳамда туманларнинг ҳар бирида 25-30 гектар майдонда Ғалаба бoғлари барпо қилинди. Бир пиёла чай атрофида ўтказилган давра суҳбатларда, учрашувларда уруш қатнашчиларига совға-саломлар топширилди.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМАРҚАНД

Улкан байрам арафасида бутун вилоятда қизиқарли тадбирлар ўтказилляпти. Каттақўрғон туман ҳокимлиги ва партия кенгаши турли шаҳар ва кишлоқларда фаол фахрийларни бир пиёла чайга таклиф этдилар. Жамоаларда учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Уруш фахрийлари тўпланганларга жанг хотираларидан сузлаб бердилар.

Иштихонда ўтказилган тантанادا уруш қатнашчилари мангу олов ёдгорлиги пойига гулдаста қўйдилар. Курск жанги қатнашчиси, жомбойлик Раззоқ Исмолов шахид кетган юртдош куролдошлари учун шахсий жамғармасидан ёдгорлик ўрнатди. Яна ўнлаб қариялар ана шундай эзгу ишга қўшилдилар.

Маҳалаларда, меҳнат жамоаларида, бошлангич партия ташкилотлари ҳузурда Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан тарғибот гуруҳлари тузганмиз, — деди вилоят партия кенгаши биринчи котиби Йўлдош Суёнов. — Гуруҳ аъзолари жойларда халқимиз қахрамонлигининг мазмуни, осойишта турмушининг қадри, Президентимиз И.Каримов юргизаётган адолатли ички ва ташқи сиёсат ҳақида суҳбатлар уюштириляпти. Иккинчи жаҳон уруши ҳақида альбом, кўргазмалар ташкил этилди. Маҳаллий телевидениеда иждоқорлар билан ҳамкорликда «Жасоратнинг мазмуни» деб номланган бир соатлик телефильм суратга олинди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ишбилармонлик

КОРХОНАНИНГ КИШЛОҚДАГИ ДЎКОНИ

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Денов ёғ-мой комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш турларини ўнтага кўпайтирди. Бу гапнинг тўғрилигига шу тумандаги «Ғалаба» жамоа ҳўжалигининг 4-бригадаси аъзолари ишонч ҳосил қилишди.

Сабаби оддий: комбинатнинг бу ерда янги очилган ўн учинчи дўконидан кишлоқ халқи энди турли-туман ширинликлар, ёғ, совун ва бошқа молларни харид қилишлари мумкин. Дўкон мудури Баҳодир Пардаевнинг хизматидан кишлоқдагилар хозирча хурсанд.

Олимжон УСАНОВ.

Қадрият

ЧОРБАКР ТАЪМИРЛАНМОҚДА БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳарнинг 2500 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада амалга ошириляётган хайрли ишлар кўлами кенг.

Яқинда Бухоро тумани ҳудудидаги қадимий обида Чорбакр ансамблини таъмирлаб, унга қайта ҳаёт бағишлашга киришилди. Бу ишга кетадиган харажат эса умумхалқ шанбалиги ҳисобидан қопланадиган бўлди. Ҳисоб-китобларга қараганда обидани таъмирлаш, унинг атрофини ободонлаштиришга салкам 8 миллион сўм сарфланади. Таъмирлаш учун буча пудратчилик қилаётган 197-ҳўжалиқларро қўша меҳанизациялашган колонна жамоаси аъзоларининг шу кунларда қўли-қўлига тегмаяпти.

Даврон БАХРОНОВ.

Кутубхона -- нурхона

ОИЛАВИЙ МУТОЛАА

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Чирчиқ шаҳридаги оммавий кутубхоналар жамоалари ташкилотлари сафини кенгайтириш мақсадида турли мавзуларда конференция, кеча ва суҳбатлар уюштиряпти.

Бундай ҳаракат «Оммавий кутубхоналар — оилалар хизматида» республика кўрик-танловидан кейин кучайди. Айни пайтда шаҳар хонадонларига кириб қолсангиз оила аъзолари даврасида китоб мутолаасининг гувоҳи бўласиз. Кўрик-танловдан қўзланган мақсад ҳам жамоа бўлиб китоб ўқишни кенг йўлга қўйишда иборат эди. 14-кутубхонадаги китобхоналар кечасида сузга чиққанлар қироатнинг ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутиши тўғрисида мунозара қилдилар. Шаҳардаги 7-кутубхонада ташкил қилинган учрашувда эса юқори синф ўқувчилари, ота-оналар ва талабалар иштирок этдилар.

Абдуваби МАННОПОВ.

Хабарингиз борми?

РАНГЛИ ЦЕМЕНТ КЎПАЯДИ

НАВОЙИ (мухбиримиздан). Цементнинг нархи ошиши билан харидорлар қамайди. Навоий цемент заводи ҳовлисида 75 минг тоннага яқин цемент тўпланиб қолди. Ҳўш, нима қилмоқ керак?

Мутахассис ва муҳандислар шундай шароитда цементнинг турини кўпайтиришга қарор қилдилар. Фақат ҳаммамизга маълум бўлган кулранг цемент эмас, балки уй-жой бинолари учун ҳамда пардозбоп рангли цементлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун эса хорихдан мосламалар келтирилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Учрашув

«ГЕНЕРАЛ РАХИМОВ» ХОРАЗМДА

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Шовот тумани «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг ўлмас образини яратган таниқли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Мухаммаджонов билан учрашув бўлиб ўтди.

Зикир ака туман аҳлига ўзининг ижод йўли, Ғалабанинг 50 йиллигига театр жамоаси, хусусан ўзининг ижодий тайёргарлиги ҳақида гапирди. Довжорак саркарда Собир Раҳимовнинг тирасолини яратиш жараёни билан боғлиқ ҳикоялар ичрашув қатнашчиларида кизиқиш уйғотди.

Шунингдек, адилбар Нормурод Нарзуллоев, Хожиқабар Шайхов, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси котиби Аваз Мансуров ва бошқалар ижод намуналаридан ўқидилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Президент Ислам Каримовнинг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш мақсадида бундай марказнинг ташкил этилиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Шу муносабат билан мухбиримиз марказ раҳбари, академик Эркин Юсуповага бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Марказнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари ҳуусида гапириб берсангиз.

— Маънавият ва маърифат муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифаларни кенг куламада тасаввур этиш билан бирга, жамоатчилик фикрини ўрганишга ҳам эътибор бермоқ керак. Бу масалани ҳал этишда ватанпарвар ва миллатпарвар зиеларнинг, катта ҳаёт таж-

рибасига эга бўлган фахрийларнинг, дин арбобларининг мулоҳазаларига таяниш катта аҳамиятга эга. Ҳозир марказ қошида маданият ва маърифат муаммоларини ўрганиш ҳамда амалий тажрибалар ишлаб чиқиш мақсадида 14 илмий-маслаҳат кенгаши ташкил этилган. Бир йил оралигида маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган 7 та рисола чоп этилиб, вилоятларга жўнатилди. Навбатдаги 4 рисола нашрият-

га таърифларини ҳам йўл қўйдимиз. — Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари ҳуусида гапириб берсангиз.

— Маънавият ва маърифат муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифаларни кенг куламада тасаввур этиш билан бирга, жамоатчилик фикрини ўрганишга ҳам эътибор бермоқ керак. Бу масалани ҳал этишда ватанпарвар ва миллатпарвар зиеларнинг, катта ҳаёт таж-

рибасига эга бўлган фахрийларнинг, дин арбобларининг мулоҳазаларига таяниш катта аҳамиятга эга. Ҳозир марказ қошида маданият ва маърифат муаммоларини ўрганиш ҳамда амалий тажрибалар ишлаб чиқиш мақсадида 14 илмий-маслаҳат кенгаши ташкил этилган. Бир йил оралигида маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган 7 та рисола чоп этилиб, вилоятларга жўнатилди. Навбатдаги 4 рисола нашрият-

билан ҳамкорликда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари нашрга тайёрланди. Марказ томонидан таълим тарбия ишларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Ёшларда касб танлаш маданиятини жаҳон тажриба-

ташкит этилган. Бироқ негадир Тошкент шаҳрида марказ бўлими ҳали-ҳануз ташкил этилгани йўқ. Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятларидаги бўлимлар анча самарали иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда марказнинг бошлангич ташкилотлари туман, ҳўжалик, ўқув юртурларида ҳам ташкил этилмоқда. Булар кенг жамоатчилик маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор билан қараётганини кўрсатади.

— Шу марказнинг раҳбари сифатида айтингиз, унинг фаолиятининг кўнглингиз тўлаими? У ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланаяптими?

— Марказ фаолиятининг ула қаноат ҳосил қила олмайман. Тажриба ва фидоий мутахассисларнинг камлиги сабабли фаолиятимизда айрим хатоларга ҳам йўл қўйдим. Ўзбекистон Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридида белгилаб берилган вазифаларни етарли даражада бажараяпмиз, деб ҳам айтолмайман. Маънавият соҳасида бирданига катта ютуқларни кулга киритишга умид боғлаш осон эмас. Мен аминманки, тўпланган дастлабки тажрибаларимиз асосида марказ маданият ва маърифатни юксалтириш, тарбиявий, маърифий ишларнинг оқилона йўлларини белгилаш борасида бундан бўён самарали ишлар қила олади.

Суҳбатлов:
«Ўзбекистон овози» мухбири
Саллим АШУРОВ.

Мафкура ва тафаккур

Ҳеч бир замонда инсоният маънавияти, миллий мафкура бадий тафаккур...

надиган адабиётшунослик фани ва адабий танқид зиммасига аниқ вазифалар юк...

вий таъйиқлар, гоёпарастлик билан уйлаб топилган назария ва курсатмалар но...

пон, Ойбек, Усмон Носирларнинг мустабилдик тузми даври қафасларини пар...

Буюк тарихимиз, муқаддас қадриятларимиз, шарқона донишмандлик ва одоб...


КЎНГИЛ ГАВҲАРИ

ли, айниқса адабиётни уқитиш муаммолари билан боғлиқ масалалардир.

ижтимоий-сиёсий шароитлар ҳам, тусиқлар, қаршиликлар, зиддиятлар, таъйиқ...

қилган, золимлардан мазлумларнинг ҳаққини олган, адолат, ахлоқ, мурувват байроғини баланд кутарган мард...

Инсоннинг маънавий камолотида миллий мафкура катта қудрат ва рағбатга эга.



Бухоро ил-таълими ишлаб чиқариш қиссасорлик жамиятига қарашли пардозлаш ва бўйиш...

Партия ва ҳаёт

ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР

Каттақурғонда 36 та маҳалланинг 32 тасида ҳудудий партия ташкилоти бор.

ларга моддий ёрдам курсатаётир. Жамғарма етим болаларнинг суннат туйини ўтказишда қараб қатнашмоқда.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

Хотин-қизлар қатнашмаган, уларнинг қули тегмаган бирор бир ижтимоий соҳа бўлмас керак.

Рейнмбой ЕПИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар!

ДЎСТ ҲИСОБИ ДИЛИДА



— Азизур Раҳмон жаноблари, «Оқ тош» фирмасининг ташкил этилиши тарихи қандай кечди?

— Фирма ўз фаолиятини бундан анча йиллар илгари Афғонистоннинг Нав шаҳрида бошлаган эди.

Яйлов баҳодирлари

ҚЎЗИ БАҲОРДА САНАЛАДИ

Халқимизда «Жужани қузда санайдилар» деган нақб бор. Лекин қўзи баҳорда саналади.

салкам 13 минг бош соғилқ қузилади. Уларнинг анчагина қисмин жайларни қуйлар.

«Орзу» фирмаси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради ва сотади, аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланади.

«Орзу»нинг орзуси ушалсин



«БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН»

Тожикистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

АШГАБАТДА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ Туркманiston пойтахти — Ангабат шаҳрида музикачиларнинг биринчи халқаро танлови бўлиб ўтди.

ЭЛЧИ ИШ БОШЛАДИ Тожикистон Республикаси мустақилликка қадам қўйгандан буён, уни жаҳоннинг 117 давлати тан олди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ АҚШнинг «Мобил ойл» корпорацияси Қозғистон ҳукумати билан «Тулпор» нефть-газ конини ҳамкорликда ўзлаштириш тўғрисида битим имзолади.

ЯНГИ ГАЗЕТА Душанбада «Соҳибкор» ижтимоий-сиёсий, илмий-иқтисодий газетасининг биринчи сон босмадан чиқди.

Vertical text on the far right edge of the page, likely a page number or margin note.

ХАЛҚАРАВИЙ КУРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

УзТВ I
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.
18.10 «Кум соат», «Кучука ва эски шиплак». Мультфильмлар.
18.30 «Хазинамиз таянчи».
18.55 Ўзбекистон Давлат телерадиоканалининг дуторчи-лар ансамблининг концерти.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Армонли дунё». Усмон Носир.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Тараққиёт қон томири».
21.50 «От қишанган оқшом». Йилдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. Телепремера.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Кузунчоқ».
19.00 «Илган имкон топади».
19.30 «Хамшахарлар» видеоканали:
— «Ўзма-юз».
— «Оқ кучика».
— «Менинг маҳаллам».
21.00—21.45 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. «Темирйўлчи» — «Нефтчи».

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Халқаро танлов совриндори Татьяна Абиякий куйлайди.

«ОМАД» таништириди:
19.55 «Совга».
20.25 «4/8». Муслиқ курсатуви.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Ўзлонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 Ўзлонлар.
23.25 «Курьер».
23.45 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.55 «Постфактум».
00.05—00.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

СЕШАНБА, 25

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 1-серия — «Ихтиёр узида эмас».
9.20 «Афгон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
9.50 «Кафолат».
10.20 Немис тили.
10.50—12.50 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 «Сунни».
19.00 Лирик концерт.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Ўзбектефильм» курсатади: «Нақшлар бустони».
20.10 «Тафаккур ёлқинлари».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Ватанин семоқ йимондандир».
22.30 «Кино. кино. кино».
23.20—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ОМАД» таништириди:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
19.20 «Теле-ателье-шоу».
19.30 Хайвонот дунёсининг сирлари.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
20.45 Янгиликлар.
20.50 Видеоид.

21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30 — 23.50 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
19.15 «Дурдарин» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.15 «Спорт-тайм».
20.55 «Манбалар».
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Нон таъми».
22.05—22.45 Эстрада калейдоскопи.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
17.55 «Тигиз пайт».
18.15 «Аляска КИД». Телесериал. 3-серия — «Қизлар гулхани».
19.05 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».
20.45 «Илк манбадан».
20.55 «Серафима Глюкинининг иш ва байрам кунлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси, 1988 й.).
22.05 «Талқинлар».
22.20—23.35 «Серафима Глюкинининг иш ва байрам кунлари». 2-серия.

ЧОРШАНБА, 26

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 2-серия — «Яшаш шарт».
9.40 «Оналар мактаби».
10.10 «Ўзбектефильм» курсатади: «Беназир санъаткор».
10.30 — 12.30 «Биз танлаган йул». Видеоканал.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.
18.10 «Койилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Хусусийлаштириш-нинг янги йуналишлари».
18.35 «Спорт хабарномаси».
18.45 «Дил номалари». Муслиқ курсатуви.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб ашаш керак».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Мозийга бир назар».
22.00 «Алпомис авлодлари». Миллий кураш буйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир якунига доир.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Қалбимда кувш порласин».
19.10 «Дарвоқе».
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Жамасаблар».
21.00 «Саломат бўлинг!».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Ешлик» студияси. «Гул ва...».
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
«ОМАД» таништириди:
20.25 — 23.25 «СПОРТ КИТАБ-СИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Аляска КИД». Телесериал. 4-серия — «Севги мўъжизаси».
19.15 «Телевдомалар». Роберт Рождественский.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».
20.40 — 22.00 «Славянанинг хайрлашуви». Бадий фильм (Свердловск кино-студияси, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 27

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 3-серия — «Ши-

қоятга урин йўқ».
9.15 «Ўзбектефильм» курсатади: «Ботир Зокиров». Фильм-концерт.
9.55 «Буни ҳамма билиши керак».
10.30 Укув курсатуви. Физика.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Хор куйларидан концерт.
12.00 — 12.20 «Хуқуқингизни биласизми?».

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.
18.10 «Бир сижим тўпроқ».
18.45 Муслиқ дақиқалар.
18.55 «Ислохот ва масъулият».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Мен буюк юрт ўғлидурман».
20.40 Оқшом эртақлари.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Вакт — ҳакам».
22.00 «Умр девони». Шокирхон Ҳакимий.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«ОМАД» таништириди:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Жозиб».
19.00 «Бир шингил хангома».
19.10 «Мухаббатга ошно қалблар».
19.30 «Теле-ателье-шоу».
19.40 Видеода янгиликлар.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35 — 22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Айчурек» (киргиз тилида).
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.25 «Уорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
20.45 Галабанинг 50 йиллиги. «Куддусдан хатлар».
21.15 «Булоқлар куз очганда».
21.45 — 22.45 «Дурдарин» телекомпаниясининг курсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
17.50 «Тигиз пайт».
18.10 Баскетбол. Россия чемпиони. Эрақлар. Финал. «Динамо» (Москва) — «МАСК».
18.55 «Аляска КИД». Телесериал. 5-серия — «Скво-Крики забт этилди».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».
20.45 Сибирь Давлат академик рус халқ хорининг концерти.

ЖУМА, 28

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Қилич ва қалқон». Бадий фильм. 4-серия — «Сунги марра».
9.10 Немис тили.
9.40 «Қишлоқ стадионларида».
10.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Садқот».
10.45 «Китоб ва ҳаёт».
11.20 «Дустлик қушиқлари».
11.50 «Яшил бойлигимиз».
12.20—12.50 «Баҳор семизлари». Адабий композиция.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.35 «Унутилмас сатрлар». Бехудий.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Шерият дақиқалари».
20.10 «Жараён».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Хотира китоби».
22.00 «Ўзбекистон» композиторлари. Мутаваққил Бурхонов.
23.00—23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II
«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Катта теа-

тр ҳақида кичик ҳикоя».
18.50 «Уминисиз келажак йўқ».
19.20 «Баҳор манзаралари».
19.30 «Бу бустон аро...».
20.20 «Самарали изланишлар».
20.30—21.45 «У замоналар ўтиб кетди». Бадий фильм.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
«ОМАД» таништириди:
20.20 «Панорама».
20.50 «Компьютер-Осив».
21.20 Ўзлонлар.
21.25 «Даракчи».
21.35 Ўзлонлар.
21.40 — 23.20 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска КИД». Телесериал. 6-серия — «КИД иши буйича суд жараёни».
19.00 «Муъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».
20.45 — 21.35 «Сен-Роман иши». Телесериал. 5-серия.

ШАНБА, 29

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Болалар учун фильм. «Сеҳри шаргуашт».
9.10 «Яшил чирок».
10.10 «Ангана ва замон».
10.40 Баҳор тароналари.
11.10 «Едингиздами?». Кинодастур.
11.50 — 13.20 «Маънавият» видеоканали.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Эртақлар — яхшилик этаклари».
18.45 Спорт хабарномаси.
19.00 «Ўзма-юз».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Турфа хангомалар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова куйлайди.
22.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

УзТВ II
«ОМАД» таништириди:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
9.50 «Теле-ателье-шоу».
10.00 «Хайвонот дунёсининг сирлари».
10.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
11.15 Янгиликлар.
11.20 Видеоид.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 «Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)».
14.20 — 18.30 «СПОРТ КИТАБ-СИ».

«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антена».
19.30 «Ак-садо».
20.00 «Менинг кучам».
20.15 «Хонадонинг оёйишта бўлиши».
21.15 «Хар соҳадан бир шингил».
21.35 «Пулъш». Хабарлар.
21.50 «Гладиаторлар». Спорт-шоу дастури.
22.35 «Кинематограф».
00.15—00.20 Хотима.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Колумб кашф этган днёр».
Сан-Франциско.
20.10 «Уршашув».
20.40 «Биздан обод ва озоод Ватан қолсин».
21.20 «Замандас».
22.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.20—22.40 «Бу ажиб дунё».
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 «Брейнинг».

18.20 «Шартномасиз таваккал». Бадий фильм (Россия, 1992 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Зодиак белгиси остида». Эпиграммалар кечаси.
21.35—22.30 «Сен-Роман иши». Телесериал. 6-серия.

ЯКШАНБА, 30

УзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 «Бири кам дунё». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муслиқ театрининг спектакли. Тоир Юнусов асари, Алишер Расуллов муслиқаси. Телепремера.
9.30 «Шохрух» клуби.
10.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги. «Ватанимга хизмат қиламан». Курсатув ва концерт.
11.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
11.20 «Яйпанлик тadbиркорлар».
11.35 Кинотахририят почтасидан.
12.20 — 13.50 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Усмилар учун. «Еттига етти». Телевизион уйин.
18.35 «Кино ва болалар».
19.05 «Ойна жаҳонда...».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Хафтаном» (рус тилида).
20.05 Телетасвирчи нигоҳида. «Шахарлар ва одамлар».
20.20 Дам олиш концерти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Хафтаном».
21.30 Ўзлонлар.
21.35 «Девона». Бадий фильм (Хиндистон). 1—2-сериялар.
00.15 — 00.45 «Хафтаном».

УзТВ II
«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Жозиб».
10.30 «Бир шингил хангома».
10.40 «Мухаббатга ошно қалблар».
11.00 «Теле-ателье-шоу».
11.10 Видеода янгиликлар.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05 — 14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Муслиқ дастур.
17.50 «Панорама».
18.20 Жаҳон географияси.
19.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)
19.30 Ўзлонлар.
19.35 Видео — «О».
21.15 Ўзлонлар.
21.20 «Курьер».
21.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.50 «Постфактум».
22.00 «Компьютер-Осив».
22.30 «Авто-клуб».
22.50 Ўзлонлар.
22.55 «Даракчи».
23.05 Ўзлонлар.
23.10 — 00.50 Видео — «О».

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кучам».
10.35 «Жангилмен-шоу».
10.50 «Кинематограф».
12.30 — 12.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 Хоризнинг биринчи элчилари.
19.50 «Муслиқ сайхат».
20.25 «Дурдарин» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.25 «Хамкорлик — тараққиёт нишониси».
22.00 «Ешлик» студияси. «Эъзоз».
22.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
18.00 «Эҳ, йуллар, фронт йуллари...».
18.10 «Ўзма-юз».
18.40 «Қушиқ-95». «Евровидение» танловининг саралаш тури.
19.20 Луи де Фюнес «Сен-Тропезлик жандарм» бадий фильмида.
21.00 — 21.45 «Якшанба».

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЯШИРИЛГАН ДАРОМАД — КЕЛТИРАДИ ОФАТ

Нима бўлганда ҳам бандаси хом сут эмган да, баъзан калаванинг учини йўқотиб, туппа-турғи йулдан адашди. Бўлмаса...

Гап бундай. Насибали Ганиев бош ҳисобчи билан маълум вақт узи раислик қилиб келатган Шахрисабз туман аҳолига майишй хизмат курсатиш жамоа уюшмасида турли даромадларни яшириб келишган. Виллот давлат солиқ бошқармаси мутахассислари жамоада бўлиб, ҳужалик фаолиятида солиқ ва бюджет туловларининг ҳисобга олиниши билан танишганларида 15600 сўм яширилган даромад борлигини аниқлади.

Ноқонуний ишга қўл урганлиги учун уюшмадан давлат фойдасига 9116 сўм ундириб олинди. Н. Ганиев 310 сўм, бош ҳисобчи Ф. Қаримова 250 сўм, хазиначи Х. Очиллова эса 225 сўм жарима тулашга мажбур бўлдилар. «Хужайин» устидан эса жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки суриштирув ишлари бошлаб юборилди...

ЖАВОБ ҲАМ ЙЎҚ, ҲУЖЖАТ ҲАМ...

ГАЗ—66 русумли «68—44 КФЛ» рақамли автомашина турғи йул қолиб, Китоб туманидаги Сумак қишлоғидан утадиган эгри-бурги, яширин йул орқали Тожикистон томон жунади. Бундан хабар топган Қашқадар виллот божиносининг 1-қароргоҳ ходимлари «Бир балоси бўлмаси, шудгорда куйруқ на қилур», деб унинг кетидан туддилар. Автомашина белгиланган жойда тухтатилиб текширилганда унда 3500 сўмлик 1000 килограмм бугдой борлиги аниқланди. Хайдовчи Аҳад Маҳмудов ҳам, мумай даромад орттиришни кузлаган Нуриддин Суллонов ҳам кузатувчилар саволларига жавоб тополмай, ҳеч қандай ҳужжат ҳам курсата олмаддан лол қолдилар. Галла давлат ҳисобига мусодара қилиниб, айбдорлар катта миқдорда жарима тулашга мажбур бўлдилар.

Қарши — Самарқанд йулидаги кузатув қароргоҳида тухтатиб текширилган КамАЗ—5320 русумли «91—21 ЛБМ» давлат рақамли автомашинада ҳам катта миқдорда дон борлиги аниқланди. Уни Тожикистон Республикаси фуқароси Мунавваршо Мироншоёв сотиш учун олиб кетавтган эди...

Маълумотлар шундан дарак бермоқдаки, утган йил давомида биргина Қашқадар виллотия ҳудудидан бошқа республикаларга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилатган бир миллион 55 миң сўмлик моддий бойлик сарф қилинди. Жавобгар шахслардан катта миқдорда жарима ундириб олинди. Халқ ризқига куз олайтирган 197 фуқаро, жумладан, уч мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Маҳалла — аҳиллик қўргони

КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАФИШЛАБ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида шодийна бўлиб ўтди. Бу ерда Навруз ҳамда Галабанинг 50 йиллиги муносабати билан дастурхон ёзилди. Анъанага қура, табарруқ онахонлар, фаол опа-сингиллар, уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиёла чай устида суҳбат қуришди. Давра қурганларнинг юзларида табассум, кунгилларда қувонч. Йилгиланларни маҳалла қўмитаси раиси Баҳодир Қурбонов, шоира Зулфия Муминовалар эзгулик, нафосат ҳамда гўзаллик байрами ва ақинлар сузган Галаба кўни билан қўтлаб, узларининг дил сузларини ихор этдилар.

— Маҳалламиз истиқлол билан тенгдош бўлганлиги учун ҳам унга «Мустақиллик» номи берилган, — дейди маҳалла қўмитаси раиси. — 700 хонадондаги 2500 нафар киши аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Аҳолига қатор қулайликлар яратилган. Хозир олти йўналиш бўйича транспорт қатнови йўлга қўйилган, озиқ-овқат, сабабот дуконлари сони кўпайди, гузарда бозор очилган. Ободончилик катта эътибор бераётимиз. Камхарж серфарзанд оилаларга кўмак беряпмиз. Яқинда 58 оилага моддий ёрдам курсатилди. Яна бир гап. Маҳалла қўмитаси фарзандларимиз таълим олаётган 304-мактаб жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётимиз.

«Мустақиллик» маҳалласидаги тadbирда санъаткорлар хизматда бўлиб, даврага файз киритишди. Уйин-кулги анча вақтгача давом этди. Мухими, ушбу ййгин одамларга баҳорий кайфият бағишлади.

Раъшан ШОДИЕВ.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН "АСЛА" АГА ЖАМИЯТИ

Белорусдан МТЗ тракторлари учун эҳтиёт қисмлар, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати учун марказдан қочма насослар, оқар сув ва оқова (чиқинди) сувларни чиқариб берадиган насослар, шунингдек, 3 ва 10 килограммик савдо электрон тарозиларини тайёрловчи заводлар баҳоси бўйича етказиб бериш имкониға эға.

Тўлов шакли — турлича, мавоза ҳам мумкин.

М

Хотира

САХОВАТЛИ ҚАЛБ ЭГАСИ

Мен қаламга олаётган табарук инсон кузга куринган атоқли олим, педагогика фанининг отақони, саховатли қалб эгаси Сиддик Ражабов бўлди...

Шингир биринчи айтган гапи шу бўлди: — Уроқ Ражабов, иш фаолиятининг, таржimai ҳолингиз билан танишдим...

Хар бир ишчи, қолқоччи ва эшнинг, фронтдаги хар бир ўзбек жангчисининг доимий ҳамроҳи, маслаҳатгуйи бўлиб қолди...



масъул муҳаррирлик лавозимига қайтиб келди. Бу даврда Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбоев, Абдужаббор Абдураҳмонов, Николай Ломакин, Василий Емцов, Абдуразақ Мавлонов, Василий Бильбос каби республика раҳбарлари билан бевосита мулоқотда бўлди...

Тўра МИРЗО
БУЛУТЛАРИНИ
КЕСАР ҲОҚ — ОЙ
ҚЎЛТИҚТАЁҚ
Асраб қолди дарахтин аскар,
Ўз оёни ўқда ем бўлди.

ТУН
Уруш сўзидай совуқ ўша йилнинг тўрт фасли,
Юракдан бошқа жойда аёз тахҳо ҳукмрон.

ЎЗБЕК ОЖИЗ АСКАР
Аскарнинг кўзидан оқар лахта қон,
Кўздаги нури ҳам яралади ўқ.

БУГУН — МАМЛАКАТИМИЗ ФИЗКУЛТУРАЧИЛАРИ КУНИ

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Жисмоний тарбия ва спорт бой маънавиятимизнинг сарҳадларидан. Бояси, жисмоний ва ақлий етук кишининг баркамол бўлиб, халқ, Ватан иши учун ҳақиқат камарбасталири...

Мақтабга тарбия мўссаасаларидан тортиб маҳаллару ишлаб чиқариш корхоналари, уқув даргоҳларида келажати буюк ҳуқуқий демократик давлатимиз эгалари...

Хар қандай давлат соғлом, жасур, маънавияти юксак, Ватан манфаъати учун жонини фидо қилувчи ёшлари билан қулчилади.

А.АТОЕВ, Бухоро давлат университетини профессори: — Хар бир киши ўз танасини чиниктириб борсин ва ўзига хизмат қилсин.

Бугун юртимизда байрамова қайғайт. Шаҳар ва қишлоқлардаги яшил майдонлар хар қачонгидан гавжум бўлади.

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА

да шундай деб ёзилган: «Сизнинг орағизда менга энг севиклигингиз оз овқатланиб, вазни енгил юрадиганингиздир».

Пастдарғомда Раҳмат полвон деган киши бор. Ҳамама танийди уни. Қураш турса гиромлик қилмайди.

Юртим алломилари

жалиқ устaxonасиға Борди. Ишни битириб орқага жунаган ҳам эдики, от мункиб йиқилди.

Юртим алломилари
мон йўқ. У ўқда трактор тўхта турипти. Чигит экинчи кечиктириш йўқкин эмас.

ОТ КЎТАРГАН ПОЛВОН

Нормамат (қишлоқ кенгаши раиси) Раҳмон полвоннинг елкасига қоқиб, уни 200 сум билан сийлаган...

Фармон ТОШЕВ.
«Ўзбекистурим» миллий компанияси, «Чимен» ташки иктисодий алоқалар сайтехлик мажмуаси «Гул-Кўт» сайтехлик фирмаси «Ўзбекистурим» миллий компаниясининг раиси Б.М.Хусеиновга сийлиқли Фарида САЙЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Бош муҳаррир: Азим СУЮН
Тажриб ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислам ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖУРАЕВ, Шоқоқим ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уриносари).